

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ РАҚОБАТ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ
ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**570 «Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш
ва эълон қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги
буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил
13 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2383-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-
ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил
24 августдаги 275-сонли «Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг
халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ
буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қим-
матли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш
маркази бош директорининг 2012 йил 24 июлдаги 2012-13-сон «Қимматли
қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларини тас-
диқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2383, 2012 йил 31 июль) (Ўзбе-
кистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 31-сон, 369-мод-
да) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ 2017 йил 1 мартдан бошлаб кучга киради.

Бош директор

Б. АТАХАНОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 18 ноябрь,
2016-17-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги
Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлашти-
риш ва ривожлантириш маркази бош дирек-
торининг 2016 йил 18 ноябрдаги
2016-17-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва
эълон қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқ муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**».

2. Қоидаларда:

а) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази тўғрисидаги низомга мувофиқ, қимматли қоғозлар бозорида ахборотни тақдим этиш ва эълон қилиш тартибини белгилайди.»;

б) 18-банддаги «асосий муҳри» деган сўзлар «асосий муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 19-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчилари:»;

г) 1 ва 2-иловадаги «ХХТУТ» қисқартмаси «ИФУТ» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

д) 3-6-илова ушбу ўзгартиришларнинг 1-иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

е) 3-8-илова ушбу ўзгартиришларнинг 2-иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

ж) 3-21-илова ушбу ўзгартиришларнинг 3-иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Қимматли қоғозлар бозорида ахборот
тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига
киритилаётган ўзгартиришларга
1-ИЛОВА

«Қимматли қоғозлар бозорида ахборот
тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига
3-6-ИЛОВА

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ								
1.	Тўлиқ:							
	Қисқартирилган:							
	Биржа тикерининг номи:*							
АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ								
2.	Жойлашган ери:							
	Почта манзили:							
	Электрон почта манзили:*							
	Расмий веб-сайти:*							
МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ								
Муҳим фактнинг рақами:		06						
Муҳим фактнинг номи:		Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар						
Умумий йиғилиш тури:		Йиллик Навбатдан ташқари						
Умумий йиғилиш ўтказиш санаси:								
Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:								
Умумий йиғилиш ўтказилган жой:								
Умумий йиғилиш қворуми:								
3.	Т/р	Овоз беришга қўйилган масалалар	Овоз бериш яқунлари					
			ёқлаш		қарши		бетарафлар	
			%	сони	%	сони	%	сони
1.								
2.								
Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:								
1.								
2.								
Эмитентнинг ижроия органи, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари фойдасига ҳисобланган ва тўланган ҳақ ва (ёки) компенсациялар***								
Т/р	Ф.И.Ш.	Шахс аъзоси ҳисобланган эмитент органининг номи	Тўлов тури (ҳақ ва (ёки) компенсациялар)	Ҳисобланган сумма (сўм)	Маблаглар ҳисобланган давр	Тўлов назарда тутилган эмитент ҳужжати		
1.								
2.								

Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш:						
Кандидатлар тўғрисида маълумот						Овозлар сони
Т/р	Ф.И.Ш.	Иш жойи	Лавозими	Тегишли акциялар		
				тури	сони	
1.						
2.						
Уставга киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларнинг матни**						

Ижроия органи раҳбарининг Ф.И.Ш.: _____

Бош бухгалтернинг Ф.И.Ш.: _____

Веб-сайтда ахборот жойлаштирган
ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.: _____

* Мавжуд бўлганда кўрсатилади.

** Агар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан имтиёзли акциялар эгалари — акциядорларнинг ҳуқуқларига ўзгартиришлар киритиш, акциядорлик жамиятининг устав капиталини кўпайтириш билан боғлиқ жамиятнинг уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш бўйича ваколатларни кузатув кенгашига бериш, эълон қилинган акциялар тўғрисидаги қоидаларни киритиш ёки уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, битта акциядорга тегишли бўлган акциялар сонига ҳамда уларнинг номинал қийматининг суммасига, шунингдек битта акциядорга берилган максимал овозлар сонига чеклашни белгилаш билан боғлиқ бўлган акциядорлик жамияти уставига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса уставга киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчаларнинг матни бириктирилади.

*** Акциядорлик жамиятининг ижроия органи, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари фойдасига ҳақ ва (ёки) компенсациялар ҳисобланган ҳолларда кўрсатилади.

Муҳим факт юз берган вақт бўлиб, эмитент олий бошқарув органининг баённомаси тузилган сана ҳисобланади.»

Қимматли қоғозлар бозорида ахборот
тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига
киритилаётган ўзгартиришларга
2-ИЛОВА

«Қимматли қоғозлар бозорида ахборот
тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига
3-8-ИЛОВА

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ								
Тўлиқ:								
Қисқартирилган:								
Биржа тикерининг номи:*								
АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ								
2.	Жойлашган ери:							
	Почта манзили:							
	Электрон почта манзили:*							
	Расмий веб-сайти:*							
МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ								
Муҳим фактнинг рақами:		08						
Муҳим фактнинг номи:		Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки ижроия органининг таркибидаги ўзгаришлар						
Шахснинг ваколати тугатилган ҳолларда								
Т/р	Шахснинг Ф.И.Ш. ёки ишончли бошқарувчининг тўлиқ номи		Иш жойи	Лавозими	Тегишли акциялар		Бошқа ташкилотларда иш	
					тури	сони	жой	лавозим
1.								
2.								
Шахс сайланган (тайинланган) ҳолларда								
3.	Шахснинг Ф.И.Ш. ёки ишончли бошқарувчининг тўлиқ номи		Иш жойи	Лавозими	Тегишли акциялар		Бошқа ташкилотларда иш	
					тури	сони	жой	лавозим
1.								
2.								
Кўрсатилган ўзгартиришлар тўғрисида эмитентнинг қарор қабул қилган органи:								
Қарор қабул қилинган сана:								
Баённома тузилган сана:								
Бошқарув органи баённомасидан кўчирма ва сайланган (тайинланган) шахснинг яшаш жойи кўрсатилган ҳолда паспорт маълумотлари**								
Ўзгаргандан сўнг кузатув кенгаши (тафтиш комиссияси / ижроия органи)нинг таркиби								
Т/р	Шахснинг Ф.И.Ш. ёки ишончли бошқарувчининг тўлиқ номи		Иш жойи	Лавозими	Тегишли акциялар		Бошқа ташкилотларда иш	
					тури	сони	жой	лавозим
1.								
2.								

Ижроия органи раҳбарининг Ф.И.Ш.: _____

Бош бухгалтернинг Ф.И.Ш.: _____

Веб-сайтда ахборот жойлаштирган
ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.:

* Мавжуд бўлганда кўрсатилади.

** PDF шаклда бириктирилади.

Муҳим факт юз берган вақт бўлиб, эмитент тегишли бошқарув органи-
нинг баённомаси тузилган сана ҳисобланади.».

Қимматли қоғозлар бозорида ахборот
тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига
киритилаётган ўзгартиришларга
3-ИЛОВА

«Қимматли қоғозлар бозорида ахборот
тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига
3-21-ИЛОВА

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ		
1.	Тўлиқ:	
	Қисқартирилган:	
	Биржа тикерининг номи:*	
АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ		
2.	Жойлашган ери:	
	Почта манзили:	
	Электрон почта манзили:*	
	Расмий веб-сайти:*	
МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ		
	Муҳим фактнинг рақами:	21
	Муҳим фактнинг номи:	Аффилиланган шахс билан битим тузилиши
	Контрагентнинг Ф.И.Ш. ёки тўлиқ номи:	
	Контрагентнинг жойлашган ери (почта манзили):	
	Эмитентнинг аффилиланган шахсдаги улуши (устав капиталига нисбатан фоизда):	
3.	Аффилиланган шахснинг Ф.И.Ш. ёки тўлиқ номи:	
	Аффилиланган шахснинг жойлашган ери:	
	Аффилиланган шахснинг эмитентдаги улуши (устав капиталига нисбатан фоизда):	
	Эмитентнинг битим бўйича қарор қабул қилган органи:	
	Қарор қабул қилинган сана:	
	Битим суммаси (сўм):	
	Битим тузилган сана:	

570, 573-моддалар

— 64 —

50 (758)-сон

Битим тури:	
Битим предмети (батафсил тавсиф)	
Битим бўйича эмитент ким ҳисобланади:	Олувчи
	Бегоналаштирувчи

Ижроия органи раҳбарининг Ф.И.Ш.: _____

Бош бухгалтернинг Ф.И.Ш.: _____

Веб-сайтда ахборот жойлаштирган
ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.: _____

* Мавжуд бўлганда кўрсатилади.

Муҳим факт юз берган вақт бўлиб, эмитентнинг аффилиланган шахс билан битим тузган санаси ҳисобланади.».